
Қувада Халқаро ногиронлар куни муносабати билан имконияти чекланган замондошларимиз учун байрам тадбири ташкил этилди
Бугун Қува туманидаги “Аср” тантаналар мажмуасида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.

БМТ томонидан 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни, деб эълон қилинган. Бугунги тумандаги тадбир ушбу сана арафасида имконияти чекланган фуқароларимизни яна бир бор қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилди.

туманимизда яшовчи Ногиронлар жамияти, Карлар жамияти, Кўзи ожизлар жамиятининг аъзолари таклиф этилган тадбирда туман ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этиб байрам совғалари ҳамда “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан ногиронлик аравачаси топширилди.

2022-12-04 12:48:32